

## МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ВОСИТАСИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ ФАОЛИЯТИНИ ПЕДАГОГИК ЛОЙИҲАЛАШ

Ширинова Феруза Атхамовна,  
Ўзбекистон Халқаро Ислом Академияси  
“Чет тиллари” кафедраси катта ўқитувчиси, PhD  
Тел: 99 305 77 73  
[feruzashirinova12@gmail.com](mailto:feruzashirinova12@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ноғилологик олий таълим йўналиши талабаларининг инглиз тили фанидан мустақил ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришида масофавий таълим воситасидан самарали фойдаланиши мақсадида педагогик-дидактик лойиҳалаши технологиясини тақомиллаштирилгани ҳақида ёритилди.

**Калим сўзлар:** масофавий таълим, мустақил ўқув-билув фаолият, педагогик-дидактик лойиҳалаши, касбий-соҳавий контент.

### ПЕДАГОГИКА-ДИДАКТИЧЕСКАЯ ПРОЕКТИРОВАНИЯ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СТУДЕНТОВ СРЕДСТВАМИ ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье освещено совершенствование технологии педагогического и дидактического проектирования с целью эффективного использования инструмента дистанционного обучения в развитии самостоятельной учебной деятельности студентов по предметам английского языка нефилологического вуза. Также сообщается, что в качестве методического обеспечения использовалась технология проекта из учебного пособия «Social and professional interaction», разработанного для студентов медицины-фармацевтики.

**Ключевые слова:** дистанционное обучение, самостоятельная учебная деятельность, непрерывное образование, интенсивная работа, индивидуальный подход.

### PEDAGOGICAL-DIDACTIC DESIGN OF INDEPENDENT ACTIVITIES OF STUDENTS THROUGH DISTANCE EDUCATION

### ABSTRACT

*This article highlighted the improvement of pedagogical and didactic design technology in order to effectively use the distance learning tool in the development of*

independent learning activities of students for English subject in non-philological higher education. It is also said that the project technology was used as methodological support from the "Social and professional interaction" training manual developed for students of medicine-pharmaceutics.

**Key words:** distance education, independent educational activity, pedagogical and didactic design, professional content.

## КИРИШ

Бугунги кунда таълим йўналишларида фанларни ўқитишининг педагогик-дидактик лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уларнинг методик таъминотини яратиш ўкув жараёни узлуксизлигини ва таълим сифатини таъминлашнинг муҳим омилларидан бирига айланди. Хусусан, масофавий таълим муҳитида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишда ўқитувчи ва талабаларнинг масофадан туриб амалга ошириладиган биргалиқдаги фаолиятини пухта ўйланган педагогик-дидактик лойиҳасини ишлаб чиқиш таълимнинг натижавийлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Бунда лойиҳалашнинг асосий мақсади талабага тайёр билимларни эмас, билимларни муваффақиятли эгаллаш ва бойитиб боришнинг самарали йўлларини қўрсатиш, талаба билан индивидуал ҳамкорликни йўлга қўйиш асосида унинг мустақил фаолиятини тўғри ташкил этишнинг педагогик шарт-шароитини яратиб беришдир. Ушбу шарт-шароитлар дидактик шакллантирилган замонавий ёндашувлар асосида ташкил этилсагина керакли натижани беради. Бунинг учун таълим, фан, ишлаб чиқаришни ахборот технологиялари ва чет тили билан интеграциялаш, яъни бир бутуннинг алоҳида бир-бирига боғлиқ қисмларини назарий билимлар асосида яхлитлаш, тўлдириш ва юқори даражага олиб чиқишга йўналтирилган босқичли кетма-кетлигини ишлаб чиқиш керак бўлади.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Кейинги йилларда таълимни педагогик-дидактик лойиҳалаш масаласи кўплаб педагогик тадқиқот ишларининг обьектига айланган бўлиб, уларда педагогик – дидактик лойиҳалашда таълим мақсади, мазмуни, шакли ва воситаларининг ўзаро узвий боғлиқлиги ва босқичли кетма-кетлигини таъминлашга қаратилган технологик жараён акс эттирилади. Ушбу жараёнда ҳар бир унсурнинг бажарадиган функцияси ва ундан келиб чиқадиган самарадорлик натижалари қўрсатиб берилади. Жумладан, М.Б.Уразова таълим жараёнини педагогик лойиҳалашда асосан тизимни шакллантирувчи функцияларга эътибор қаратиш; бунда педагогик жараённи амалга ошириш босқичидаги асосий тушунчалар, қонунлар, назарияларга эътибор бериш;

амалиётда кенг миқёсда татбиқ этишга йўналтириладиган асосий кўникмаларни ривожлантиришга тайёргарлик жараёнини шакллантиришда назарий материалларни имкон қадар яхлит ҳолатда бериш; фанлараро алоқадорликни ўрнатиш кераклигини илгари суради [2].

А.Ж.Хуррамов эса лойихани тузишда қайси ўринда қандай билим эгалланиши, мазкур жараёнда дидактиканинг қайси қонун-қоида ва тамойилига амал қилиниши, ўқув жараёнида қайси дарс тури ва босқичлари, қандай усуллар, ахборот технологиялари ва дидактик материаллардан фойдаланилиши акс эттирилиши кераклигини, пухта тузилган лойиҳа ўқув жараёнини яхши ёки аъло даражада бўлишини кафолатлашини ҳамда талабанинг мустақил ишлаш фаолиятини тўғри ташкил этишга замин яратишини таъкидлайди [3].

Е.А. Вахтина улардан аввалроқ дидактик муҳит ҳақида қўйидагиларни бап этган эди: дидактик муҳит – бу таълим мақсадлари, мазмуни, усуллари ва ташкилий шакллари маълум бир фан доирасида ўзгарувчанликка мослаша оладиган ва ўрганувчиларнинг фан юзасидан билим, кўникма ҳамда, малакаларни эгаллаш жараёнини осонлаштирадиган дидактик шароитлар мажмуасидан иборат муҳитдир[4]. И.Х. Иминахунова эса дидактик имкониятлар ҳақида фикр билдириб, дидактик имкониятлар – бу педагог томонидан мустақил таълим фаолиятини мунтазам амалга ошириш учун компетенцияларни шакллантириш инглиз тилини ўқитиш мазмуни, усуллари ва шаклларини мақсадли танлаш йўли билан кўрсатиладиган чора-тадбирлар мажмуйи эканлигини қайд этади [5].

Нофилологик ОТМларда талабаларнинг соҳавий инглиз тилидан мустақил ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришни педагогик – дидактик лойиҳалаш ахборот ва коммуникацион технология воситаларидан фойдаланган ҳолда турли таълим платформаларини дидактик таъминлашни ташкиллаштиришга қаратилган бўлиб, С.П.Еремеева ушбу масалалардаги мавжуд муаммолар: биринчидан, масофавий технологиялар ёрдамида ўқув жараёнини лойиҳалашнинг долзарблиги ва аҳамиятлилиги, педагогика фанида ушбу ҳодиса ва услубий асосларнинг моҳияти ва ўзига хослиги ҳақидаги назарий гояларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги; иккинчидан, масофавий технологияларга асосланган ўқув жараёни сифати динамикасини ривожлантиришга бўлган эҳтиёж ва илмий асосланган мезон-баҳолаш парадигмасининг йўқлиги билан асосланишини таъкидлайди”[6].

Дарҳақиқат, замонавий таълим тури бўлган масофавий таълим воситасида ўқув жараёнини лойиҳалаш бугунги кунда назарий ва методик жиҳатдан тўлиқ тадқиқ этилмаган бўлиб, хусусан, талабаларнинг мустақил таълим олишини

масофавий таълим платформалари воситасида педагогик-дидактик лойиҳалаш борасида муаммолар талай. Ушбу жараёнда, аввало, педагогнинг гурухларда талабалар мустақил ишларини ташкил этиш жараёнига тайёргарлик даражаси ниҳоятда муҳим ўрин тутади. Бунда ўқитувчи анъанавий педагогик жараённи ноанъанавий педагогик жараён, яъни масофавий таълим мухитидаги жараёнга алмаштириши, яъни таълим жараёнининг масофавий мухитга мослаштирилган дидактик технологиясини ишлаб чиқиши ва уни амалга ошириши керак бўлади.

Мақоланинг илмийлиги шундаки, педагогик лойиҳалаш, одатда, тизимли ўқитишнинг дастлабки босқичидан, яъни ижтимоий буюртма талабларини, муайян йўналишда таҳсил олаётган талабаларнинг эҳтиёжларини ва таълим мақсадларини таҳлилидан бошлаб бу эҳтиёжларни қондириш учун ўқитиш тизимини ишлаб чиқишига бўлган барча жараёнларни, ўқув материалларини, фаолият турларини, методлар ва воситаларни ҳам қамраб олади. Ушбу воситалар таълим мақсадидан келиб чиқиб ва мазмунига боғлиқ ҳолда қандай ишлатилиши, қандай қўлланиш қандай натижага олиб келиши тизимли равиша баён этилади. Бугунги кунда таълимда ахборот технологиялардан фойдаланишда, айниқса масофавий таълим воситасида мустақил таълим олишни ривожлантиришда педагогик лойиҳалашнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

С.П.Еремеева ўқув жараёнининг айнан мустақил таълим қисмини масофавий таълим орқали лойиҳалаш инсонпарварлик ғоялари, компетенцияга асосланган ёндашув, масофавий технологиялар, ва ўқув жараёни сифатини такомиллаштириш учун самарали технологик асос бўлувчи ижтимоий буюртма; тадқиқот мақсади; концептуал, мазмунли, назорат, баҳолаш ва самарали блоклар; тизимлардан иборат ўқув жараёни сифат динамикасининг такомиллашган натижаси деб ҳисоблайди. Бунда мустақил таълимни ўқув жараёни субъекти сифатида талабага йўналтириш; индивидуал ўқув йўналишларини педагогик жараёнда ўз-ўзини бошқаришни ташкил этиш каби масофавий таълимнинг асосий технологиялари воситасида ўқув жараёни самарадорлигини таъминланади”[6].

Илғор хорижий мамлакатларнинг тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, мустақил таълимни самарали ташкил этиш ва талабаларни мустақил ишлашга услубий-психологик тайёрлаш кўпроқ педагогларга боғлиқ. Жумладан, Финляндия Хельсинки университети профессори Яркко Ламписелькининг таъкидича, таълим тизимига рақамлаштиришнинг кириб келиши жуда кўп технологик, педагогик ва ташкилий ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Ушбу жараёнда таълим берувчининг ҳам, таълим олувчининг ҳам ўз ўрни ва ўзига

хос фаолияти мавжуд бўлиб, таълимнинг натижавийлиги ушбу таълим субъектларининг биргаликда, ҳамкорликда бажарадиган фаолиятларига боғлиқ бўлади. Бироқ бу жараёнда етакчилик функцияси ўқитувчига таалуқли бўлиб, ўкув жараёни замонавий ёндашувлар асосида ташкил этишда ўқитувчи ўкув жараёни учун тўлиқ ўзгартирилган тизимлар ва материаллар яратиши керак бўлади [7].

Дарҳақиқат, агар инглиз тили мисолида олиб кўрадиган бўлсак, ўқитувчи масофадан туриб топшириқларни беришда инглиз тили билимлари асосида табақалаштирилган гуруҳларнинг ҳар бири учун алоҳида, ҳатто айрим ҳолларда битта талаба учун ҳам алоҳида топшириқлар тизимини ишлаб чиқса ва улар билан индивидуал ишласагина таълимда натижавийликка эришади. Албатта, гуруҳлар ва ҳатто талабалар билан мунтазам ҳамкорликда ва бу тарзда индивидуал ишлаш ўқитувчининг кўп вақт сарфлаши эвазига амалга оширилади. Бироқ булар дастлабки ташкилий жараёnlар бўлиб, талабалар мустақил ишлаш жараёнига тўғри йўналтириб олингандан кейин, яъни ташкилий механизмлар ишга тушгандан кейин ва талабаларда мустақил ижодий ишлаш кўникмаси шакллангандан кейин улар ўзларининг ишлаш йўллари ва ишлаш воситаларини яратиб оладилар. Шу тарзда аста-секинлик билан ўқитувчидаги ташкилотчилик функцияси фаол талабаларга ўтиб боради ва ўқитувчи ташкилотчиликдан фақат маслаҳатчи функциясини бажарувчи шахсга айланиб боради.

Ушбу жараённи ташкил этиш учун педагог масофавий таълимда ишлаш учун педагогик-дидактик жиҳатдан қулай деб тан олинган таълим платформасини танлаши ва юклаб олиши (жумладан, агар Moodle танласа, Moodle платформасини интернет тармоқларидан юклаб олиши), сўнг ўз фани бўйича ҳоҳлаган тилида “фан курси”ни ташкил қилиши мумкин. Бундан ташқари нутқ фаолиятининг тўрт турини ривожлантиришга самарали кўмак берувчи қўшимча дастурий таъминотларни, яъни “BigBlueButton”, “Audacity” ва “WEBM-videoplayback” кабиларни юклаб олиш билан педагоглар ўз фанлари бўйича мустақил ишларни мукаммал ташкиллаштириш имкониятига эга бўладилар.

Инглиз тилини ўқитишида Moodle платформаси воситасида талабалар мустақил ишларини ташкил этишини дидактик лойиҳалашда ўкув жараёни аввалида педагог томонидан мақсад қилинган натижага қийинчиликсиз эришиш имкониятини берувчи дидактик муҳитни яратиш керак. Дидактик муҳит педагог томонидан маҳсус яратилиши ва таълимдаги ўзгаришларга мослашувчан бўлиши керак. Бундан ташқари мустақил таълим жараёни

дидактиканы, уни режалаштириш ва амалга оширишни лойиҳалаш, ундағи таълим шакллари ва воситаларини педагог тамонидан ўзгартириб, янгилаб туришдан иборатдир. Мустақил таълимни масофавий таълим мұхитида лойиҳалаштиришда мақсадни аниқ қўйиш ва таълим технологияларини тўғри танлаш самарали натижага эришишнинг дастлабки қадами ҳисобланади. Шунингдек, лойиҳалашда электрон таълим мұхитига ва электрон ресурс манбаларига, ўқув жараёнини масофадан ташкиллаштириш талабларига ҳам эътибор қаратиш керак бўлади. Дидактик дизайннинг эстетик талаблари психологияк қулай мұхитни яратиш, тафаккурнинг ҳиссий-мажозий таркибий қисмини фаоллаштириш, маданий унсурларни муомалага киритиш кабиларга йўналтирилиши даркор.

Педагогнинг ўз фани доирасидаги мустақил ишларни айнан рақобатбардош мутахассисни шакллантириш мақсадида ташкиллаштириши кераклиги аниқланди. Бунда таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи босқичларнинг тўғри тақсимланиши талабадаги мустақил ўқув-билув фаолиятни самарали ривожлантиришда ва педагог билан масофадан ишлаш кўникмасини шакллантиришда кутилган натижага олиб боради.

Таълимий мақсад – талабалардаги билим, кўникма, малакани ривожлантириш; чет тили ўқитишида фанлараро алоқадорликни таълим шакллари бўлган анъанавий, аралаш ва масофавий шакллардан фойдаланиб таъминлаш; чет тилини ўқитишида талабалардаги нутқ фаолиятининг 4 турини бир пайтнинг ўзида ривожлантиришда аутентик материаллар, АҚТ + аутентик материаллар ва масофавий таълим платформаларидан фойдаланиш самарали натижани беради.

Тарбиявий мақсад – маънавий етуклик, билим олишга интилевчанлик, наъмунали ҳулқ, ватанпарварлик, инсонийлик туйғулари, ижтимоий тайёргарлик ва ўз-ўзига талабчанлик ҳислатлари билан тарбияланган талаба масофавий таълим мұхитида мустақил фаолиятни тўғри олиб боради.

Ривожлантирувчи мақсад – талабаларнинг АҚТ ва чет тилини билиш даражаларини ривожлантиришда, мутахассислик фанларини чет тилемда ўзлаштиришга, қўшимча манбалар билан ишлаш орқали ўз-ўзини такомиллаштиришга, мустақил ўқув-билув фаолиятни шакллантиришга, мустақил ижодий фикрлаш рақобатбардош мутахассис бўлиб етишиб чиқишига асос бўлади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган омиллар талаба шахсини ўз қасбининг етук инновацион мутахассиси бўлиб шаклланишига ва ижтимоий-иқтисодий буюртма талабларига мос кадр бўлишига хизмат қиласди. Ишлаб чиқилган

лойиҳа технологиясини тиббиёт-фармацевтика йўналиши талабаларини инглиз тилини ўқитишга тадбиқ қилишда инглиз тилидаги маҳсус мақсадларга ва касбга йўналтирилган аутентик ўқув материаларидан фойдаланилди. Лойиҳа технологиясидан масофавий таълим муҳитида фойдаланиш учун Moodle платформаси восита сифатида хизмат қилди.

Масофавий таълим муҳитида Moodle платформаси воситасида талабаларнинг мустақил ўқув-билув фаолияти компетенциясини ривожлантиришга ҳисса қўшувчи, энг аввало, аналитик, лойиҳавий, мулоқот қобилиятларини ривожлантирувчи восита сифатида қабул қилиш мумкин. Е.А. Вахтина Moodle платформасини ўқув жараёнига дидактик лойиҳалаш борасида қўйидаги тўртта: функционал; ижтимоий-иқтисодий; эргономик; эстетик жиҳатларни эътиборга олиш керак, деб ҳисоблайди. Унинг ушбу фикрлари таълимни дидактик лойиҳалашда муҳим ўрин тутади, чунки дидактик лойиҳалашнинг функционал томони ижтимоий буюртмачининг янги турига йўналтирилган битирувчининг келажакдаги касбий фаолияти модели билан боғланишига олиб келади. Ўрганилаётган объектнинг дидактик дизайнининг ижтимоий-иқтисодий томонини ўрганилаётган обьект тадбиқ этилаётган тизим, лойиҳа, технологиялар самарадорлигидан келиб чиқадиган таълим сифати кўрсаткичларидаги ижобий ўзгаришлар асосида баҳолаш имконини беради. Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ривожлантиришга қаратилган мустақил таълим талабанинг нафақат таълим олиб турган вазиятида, балки кейин ҳам ўз устида мустақил ижодий ишлашини давом эттиришига ва келажакда рақобатбардош мутахассис бўлиб этишишига туртки беради. Қайд этилган назарий асослардан келиб чиқиб, тадқиқотимиз жараёнида нофилологик йўналишлари учун инглиз тилини ўқитишда талабаларнинг мустақил ўқув-билув фаолиятини дидактик лойиҳалаш технологиясининг методик таъминоти ҳам ишлаб чиқилди. Ушбу методик таъминотда нофилологик олий таълим муассасалари учун бугунги кунда долзарб ва амалий жиҳатдан энг муҳим бўлган ижтимоий буюртма талабларидан келиб чиқадиган рақобатбардош мутахассис тайёрлаш учун зарур бўладиган омиллар – касбий компетентлик, АКТ ва чет тили компетентлигини таъминлашга асос бўладиган таълимий жиҳатлар, бунда талабанинг мустақил ўқув-билув фаолиятини тўғри ташкил этишини дидактик тизимини кўрсатиб беришга ҳаракат қилинди.

Л.Н. Почиланила рақобатбардош талаба тайёрлаш жараёнида мустақил иш самарадорлигини ошириш учун университетларга киритилган замонавий Moodle LMS масофавий таълим платформадан фойдаланилгани, тизимга жойлаштирилган обьектга йўналтирилган модулли динамик ўқув муҳитини

ўрганиш бошқарув тизим масофавий электрон курслар ва веб-сайтларни лойиҳалашга имкон берганини қайд этади. Хусусан, талабалар томонидан индивидуал тарзда фанларни ўрганиш, ўқитувчилар малакасини ошириш дастурларини амалга ошириш, талабалар илмий тадқиқотларини ташкил этиш, фан олимпиадалари турларини ўтказишда фаол қўлланилаётганини таъкидлайди [8].

Республикамиз олий таълим муассасаларида ҳам Moodle платформаси 2020 йилдан кенг миқёсда жорий этила бошланди. Moodle платформаси тил ўрганиш учун ҳам жуда қулай бўлиб, талабалар ахборот технологияларида қўлланиладиган мутахассислик терминларини ҳам автоматик тарзда инглиз тилида ўрганиш имкониятига эгалар. Таълимда масофавий таълим платформаларидан фойдаланиш нофилологик олий таълим муассасалари талабаларида инглиз тилини умумий-соҳавий мақсадларда эгаллаб, келажакда ўз билим, кўникма ва малакаларини нутқ фаолиятининг барча турларини фаол қўллаган ҳолда ўз соҳаларида етук мутахассис эканликларини намоён қила олишларига замин яратади.

Мустақил таълимнинг самарадорлигини ошириш мустақил таълим жараёнини аутентик материаллар асосида ахборотлаштириш ва уни тўғри ташкил этишининг педагогик-дидактик лойиҳалаш технологиясини ишлаб чиқиши тақозо этади. Талабаларнинг соҳавий инглиз тилидан мустақил ишларини барча нофилологик таълим йўналишлари учун умумий бўлган ижтимоий буюртма талабларидан келиб чиқадиган ва тиббиёт-фармацевтика йўналишидаги мутахассислик фанлари билан узвий алоқадорликка йўналтириб ишлаб чиқилган методик таъминотни Moodle платформасига жойлаш асосида ҳамда талабалар билан мунтазам индивидуал ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали ташкил этиш мустақил ишлар самарадорлигни кафолатлади.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси. ПФ-5847-сонли Фармони <https://lex.uz/docs/4096197>
2. Уразова М.Б. Совершенствование технологии подготовки будущего педагога профессионального образования к проектировочной деятельности: пед.фун.ном. (PhD)., – Т., 2015.– 26 с.
3. Хуррамов А.Ж. Математика ўқитиши методикаси фани ўкув машғулотларини лойиҳалаб ўқитиши методикасини такомиллаштириш: пед. фун. ном. дисс.,– Чирчик., 2019.– 66 б

4. Вахтина Е.А. Дидактический дизайн как механизм реализации теории социального конструктивизма в инженерном образовании. // Ж. Инструментальня дидактика и дидактический дизайн. –Уфа., 2013.– №290. – С. 98.
5. Иминахунова И.Х. Бўлажак мутахассисларнинг мустақил таълим жараёнларини ривожлантиришнинг назарий асослари: пед.фан.ном.(PhD)., дисс.– Наманган., 2021.– Б. 51-55
6. Еремеева С.П. Проектирование учебного процесса студентов вуза средствами дистанционных технологий: кан. пед.наук. дисс.– Челябинск., 2013. – С 185.
7. Яркко Ламписельки. Таълимни рақамлаштириш / “Финляндия тажрибасини ўрганиш: Таълимда баҳолаш” бўйича онлайн семинар материаллари. 2021 йил 4 май marita.harmala@karvi.fi
8. Починалина Л.Н. Педагогическое обеспечение самостоятельной работы студентов ВУЗа в условиях дистанционного обучения: кан.пед.наук...дисс. – М., 2007.– 97 с